

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ

ТИЛДА ОЛАМ ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР ИККИЛАМЧИ
ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК МОҲИЯТИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Юлдашев Акмал Гуламжанович

Тилда олам ҳақидаги билимлар иккиламчи
интерпретациясининг антропоцентрик моҳияти..... 3

Юлдашев Акмал Гуламжанович

Антропоцентрическая сущность вторичной
интерпретации знаний о мире в языке..... 35

Akmal Gulamjanovich Yuldashev

Anthropocentric Essence of the Secondary Interpretation
of Knowledge about the World in Language..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 71

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ

ТИЛДА ОЛАМ ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР ИККИЛАМЧИ
ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК МОҲИЯТИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fil368 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: —

Расмий оппонентлар:

Рахимов Ғанишер Худайқулович
филология фанлари доктори, профессор

Худайберганова Дурдона Сидиковна
филология фанлари доктори, профессор

Мирсанов Ғайбулло Кулмуратович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Ж.А. Якубов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида тилни тизим сифатида ўрганишда асосий эътибор структур-функционал ҳамда қиёсий-типологик йўналишларда қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини аниқлашга қаратилмоқда. Тилда инсон омили масаласини тадқиқ этувчи антропоцентрик парадигманинг юзага келиши, инсон томонидан оламнинг идрок этилиши, олам ҳақидаги билимларнинг “лисоний либос” кийиши, тил эгаларининг ассоциатив тафаккури, миллий-маданий қарашлари каби экстралингвистик омилларни ҳисобга олган ҳолда когнитив тилшунослик йўналишида инсон билимларни лисоний ҳамда нолисоний омиллар орқали эгаллаши, эгалланган билимларни онгида ахборот (тасдиқланган ёки тасдиқланмаган) ёки билим (тасдиқланган) шаклида сақлаши ва мазкур билимларни ҳар бир нутқ актида қандай интерпретация қилишга бағишланган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бугунги кунда етакчи илмий йўналишга айланган антропоцентрик тилшуносликда инсоннинг оламни идрок этишидаги тафаккури, тасаввурлари, дунёқараши, миллий-маданий қарашларига асосланиши натижасида ҳар бир индивиднинг концептуал тизими шаклланиб бориши ҳақидаги қарашлар илгари сурилмоқда. Бунда идрок маҳсули бўлган билимнинг жамоавий ҳамда индивидуал бўлиши борлиқдаги нарса ва ҳодисалар турли халқларда турлича идрок қилиниши натижасида олам ҳақидаги билимларнинг тилда намоён бўлишида, хусусан, иккиламчи интерпретациясида маъноси кўчимга учраган тил бирликларининг ясалишида ҳар бир халқ тилининг ўзига хос сўз ясаш имкониятларини инобатга олган изланишлар долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда тил ва тафаккур муносабатини антропоцентрик аспектда ўрганиш долзарб муаммога айланмоқда. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Дарҳақиқат, эгалланган билимлар тил эгаларининг миллий онги, тафаккури, миллий-маданий қарашлари кабилар билан боғлиқ тарзда тил воситалари ёрдамида интерпретация қилинади. Бунда тил бирликларининг интерпретацион хусусиятини ўрганиш муайян тил эгалари онгида олам концептуал манзарасининг шаклланиши ва вербал ифода топиши ҳақида аниқ хулосалар чиқариш, тилнинг когнитив таҳлили орқали турли халқларнинг олам манзарасини идрок этиши учун типологик универсалия ва уникалияни белгилаш, тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишда кўчма маънода қўлланган бирликларнинг иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатидаги ролини очиб беришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш зарурати мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/4561730>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-6084-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Тилнинг антропоцентрик моҳияти тилда инсон омили муаммосини тадқиқ қилиш масаласида когнитив тилшуносликда бир қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида, жумладан, International Cognitive Linguistics Association (АҚШ), The UK Cognitive Linguistics Association (Буюк Британия), Российская ассоциация лингвистов-когнитологов (Россия), Asociaciyn Espacola de Lingъnstica Cognitiva (Испания), Association Franzaise de Linguistique Cognitive (Франция), Suomen kognitiivisen kielentutkimuksen yhdistys FiCLA (Финляндия), Polskie Towarzystwo Językoznawstwa Kognitywnego (Польша), Barkeley University of California (АҚШ), University of Manchester (Буюк Британия), Weihang University, China (Хитой) ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида, жумладан когнитив тилшунослик йўналишида тил инсон тафаккурининг ажралмас қисми эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди, оламни идрок этишининг маданий, психологик, коммуникатив хусусиятларга эга эканлиги аниқланган (International Cognitive Linguistics Association, АҚШ); кенг қамровли таҳлиллар натижасида концептуал метафоранинг тил бирлиги эмас, балки тафаккур бирлиги эканлиги асосланган (Barkeley University of California, АҚШ); сўзнинг семантик, прагматик, психолингвистик, когнитив жиҳатлари таҳлил этилган бўлиб, сўз ясалишида когнитив механизм сифатида метонимиянинг ўзига хос ўрни мавжудлиги аниқланган (University of Manchester, Буюк Британия);

²<http://users.ics.aalto.fi/tho/ficla/>; <http://www.cognitivelinguistics.org>; <http://www.uk-cla.org.uk/>; <http://ralk.info/>; <http://www.aelco.es/>; <http://www.aflico.fr/>; <http://ptjk.pl/>.

инсоннинг олами идрок этишида концептуализатор ва категоризатор вазифасини бажариши илмий асосланган, лисоний интерпретациянинг вазифалари, турлари ва когнитив моделлари шакллантирилган. Тил ва билишнинг антропоцентрик моҳияти очиб берилган, шунингдек, тилнинг интерпретацион вазифаси илмий асосланган (Российская ассоциация лингвистов-когнитологов, Институт языкознания Российской академии наук, Россия); бадий матннинг когнитив-стилистик таҳлил қилиш усуллари ҳамда лексемаларнинг когнитив моделлаштириш орқали концептуал таҳлил методикаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон).

Ҳозирда дунё тилшунослиги ривожланиши тил ва тафаккур муносабатини тадқиқ бўйича қуйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: когнитив семантика, когнитив стилистика, корпус тилшунослиги, сўз ясалишининг концептуал асоси, тилнинг когнитив, коммуникатив ҳамда интерпретацион вазифалари, кўчма маънога эга бўлган тил бирликларининг когнитив жиҳатини тадқиқ қилишда когнитив лексикология. Когнитив методлар асосида тилда инсон омили ва уни ўраб турган борлиқ билан бўлган муносабатини ўрганишга доир фанлараро ёндашув уларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш билан характерланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Когнитив тилшунослик йўналишида сўз ясалишида когнитив механизмларнинг ўрни ва уларнинг тил бирликлари орқали интерпретация қилинишига оид тадқиқотларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу муаммони тил ва тафаккур кесишган нуктада тадқиқ этиш соҳада мавжуд муаммолар ечимини аниқлаш имконини беради.

Маълумки, сўзда маъно кўчиши структур тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Жумладан, сўз ясалиши ҳамда кўчма маъноли сўзларнинг лингвистик хусусиятлари ўрганилган Х.Маршан, Т.Аликулов, О.Д. Мешков, Н.Маматов, Л.Бауэр, М.М.Миртаджиев, И.Плаг, Р.А.Сувонова, С.К. Хажиев, Р.Нормуродов, С.Усмонов³.

Когнитив тилшуносликда концептуал метафора ва концептуал метонимия хусусида талайгина илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Метафорик инновацияларнинг когнитив жиҳати, концептнинг иккиламчи номинацияси таҳлилига бағишланган, бадий матнда метафора ва метонимиянинг концептуал хусусиятини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотлар бунинг исботидир Жозеф Х. Гринберг, Р.Ланкастер,

³ Marchand H. The categories and Types of Present-day English Word-formation. – Alabama: University of Alabama Press, 1969. – 545 p.; Аликулов Т. Яна маъно кўчиш усуллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1974. – №1. – Б. 76-78.; Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. – М.: Наука, 1976. – 245 с.; Маматов Н. Ўзбек тилида кўшма сўзлар. – Т.: Фан, 1982. – 233 б.; Bauer L. English word-formation – Cambridge: Cambridge University Press, 1983. – 311p.; Мешков О.Д. Словообразование в современном английском языке. – М.: Высшая школа, 1985. – 187 с.; Миртаджиев, М.М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Т.: 1989. – 45 с.; Plag I. Word formation in English. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – 264 p.; Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. Монография.– Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 108 б.; Хажиев С.К. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: 2007. – 23 с.; Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация. – Т.: Фан, 2010. – 128 б.; Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. – Т.: МЧЖ “SHIDASP”, 2010 (1964) – 197 б.

Д.У.Ашурова, М.И. Райдер, Р.Джекендофф, Л.Б.Овакимян, Е.С.Кубрякова, Г.Фоконьер, М.Тернер, Л.А. Липилина, Е.М.Позднякова, Е.А. Козлова, L.Goossens, V.Koller, Л.В.Бабина, Дж.Лакофф, М.Джонсон, У.Крофт ва Д.А.Круз, Е.О.Аквазба, Е.Я. Бадеева, Е. П. Ковалевич, Ungerer, F Ф.Унгерер, Х-Дж.Шмид, М.Б. Антонова, Н.В.Рунова, Ш.Сафаров, Н.Б. Милявская, Д.А.Шепелева, Д.С.Худойберганова, Н.Н. Болдырев, В.И. Заботкина, Ш.Т.Махмараймова, Н.М. Джусупов⁴.

⁴ Joseph H. Greenberg. *Anthropological Linguistics: An Introduction*. – New York: Random House, 1968. – 212 p.
Langacker R. W. *Concept, Image, and Symbol. The Cognitive Basis of Grammar*. – New York: Mouton de Gruyter 1991. – 39 p.; Langacker R. W. *Concept, Image, and Symbol. The Cognitive Basis of Grammar*. – New York: Mouton de Gruyter 1991. – 39 p.; Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка (Стилистический аспект). – Т.: Фан, 1991. – 98 с.; Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка // *Ўзбекистонда хорижий тиллар: Илмий методик электрон журнал*. — Т.: 2018. - № 2 (21). – С.104-110.; Ryder M.E. *Ordered Chaos. The Interpretation of English Noun-Noun Compounds*. Berkeley; Los Angeles, CA., 1994. – 449 p.; Jackendoff R. *Semantics and Cognition*. – Cambridge MA: The MIT Press, 1995. – 283 p.; Овакимян Л.Б. Когнитивные аспекты семантики производного слова (на материале англоязычной художественной прозы): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1995. – 253 с.; Кубрякова Е.С. Части речи с когнитивной точки зрения. – М.: Институт языкознания РАН, 1997. – 330 с.; Кубрякова Е. С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – 560 с.; Fauconnier G., Turner M. *Conceptual integration networks // Cognitive science*. 1998. – vol. 22. – № 2. – P. 133-187.; Липилина Л.А. Когнитивные аспекты семантики метафорических инноваций (на материале существительных, появившихся в современном английском языке за последние 30 лет): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Калининград: 1998. - 23 с.; Позднякова Е.М. Категория имени деятеля и пути ее синхронного развития в когнитивном и номинативном аспекте (на материале английского языка): Дисс. ... д-ра филол. наук. – М: 1999. – 318 с.; Позднякова Е.М. Категория имени деятеля и пути ее синхронного развития в когнитивном и номинативном аспекте (на материале английского языка): Дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 1999. – С. 39.; Козлова, Е.А. Метонимия как концептуальная основа функциональной категоризации английского глагола: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2001. – 154 с.; Goossens L. *The Interaction of metaphor and metonymy in Expressions for linguistic action // Metaphor and Metonymy in Comparison and Contrast*. – Berlin; New-York: Mouton de Gruyter, 2002. – P. 349–378.; Koller V. *Metaphor Clusters in Business Media Discourse: A Social Cognition Approach*. PhD thesis. – Vienna: University of Vienna, 2003. http://www.wu.ac.at/inst/english/koller_diss.pdf.; Бабина Л.В. Вторичная репрезентация концептов в языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Тамбов: 2003. – 40 с.; Бабина Л.В. Когнитивные основы вторичных явлений в языке и речи. – Тамбов-Москва: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2003. – 264 с.; Lakoff, G., Johnson, M. *Metaphors We live by*. 2-nd edition. – Chicago: The University of Chicago Press, 2003. – 256 p.; Croft W. and D. Alan Cruse. *Cognitive Linguistics*. – New York: Published in the United States of America by Cambridge University Press, 2004 – 374 p.; Аквазба Е. О. Денотативное и коннотативное значение слова в художественном тексте (На материале лексики растительного и животного мира в произведениях М. М. Пришвина): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень: 2004. - 218 с.; Бадеева Е.Я. Метонимия имени в общественно-политической лексике английского языка: когнитивный и прагматический аспекты: Дисс. ... канд. филол. наук. – Владивосток: 2004. - 197 с.; Ковалевич Е. П. Метонимическая модель концепта «Цветок» в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Белгород: 2004. - 22 с.; Ungerer, F., Schmid, H.-J. *An Introduction to Cognitive Linguistics*. Second edition. – Great Britain: Pearson Education Limited, 2006. – 396 p.; Антонова, М.Б. Лексическая номинация на базе малых словообразовательных моделей в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М: 2006. – 25 с.; Рунова, Н.В. Когнитивные основы образования новых метонимических значений существительных (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М: 2006. – 23 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.; Милявская Н.Б. Когнитивные основы формирования значения неологизмов, образованных в результате метафтонимического переноса: на материале современного английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Калининград: 2008. – 23с.; Шепелева Д.А. Когнитивные аспекты семантики сложного слова «существительное + существительное» в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2008. – 198 с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную лингвистику. – Тамбов: ФГБОУ ВПО Тамбовский государственный университет им. Г.Р.Державина, 2014. – 236 с.; Болдырев Н. Н. Интерпретация мира и знаний о мире в языке // *Когнитивные исследования языка*. – Тамбов, 2014. – Вып. XIX. – С. 20–28.; Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // *Вопросы когнитивной лингвистики*. – Тамбов, 2015. – № 1. – С. 5–12.; Болдырев Н.Н. Язык и система знаний. Когнитивная теория языка. – 2-е изд. – М.: Издательский Дом ЯСК, 2019. – 480 с.; Интерпретация мира в языке: коллективная монография / Л.В.Бабина [и др.]; науч. ред. Н.Н. Болдырев; М-во обр. и науки РФ,

Тилшуносликда тил бирликларининг интерпретацион хусусиятлари масаласига доир муайян тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Жумладан, Р.И.Устарханов инглиз тили материалида метафтонимиянинг интерпретацион ҳамда когнитив таҳлилини амалга оширган. Тадқиқотда ОАВ, интернет материаллари ва изоҳли луғатлардан таркибида метафора ва метонимиянинг ўзаро интеграцияси натижасида ҳосил бўлган метафтонимик сўзлар таҳлил қилинган бўлиб, асосий эътибор уларнинг концептуал жиҳатларини ёритишга қаратилган⁵.

Л.А. Панасенко инглиз тили материалида лексик категорияларнинг интерпретацион имкониятини ўрганган⁶. Ушбу тадқиқотда лексик бирликларнинг модус категория форматида интерпретацион хусусиятлари очиб берилган. Олима модус категориялар тизими инсонга дунёдаги нарсаларнинг ҳолатини индивидуал идрок этиш ва тушунишни амалга оширишга, уни ўраб турган объектлар ва содир бўлаётган ҳодисаларни баҳолаш имконини беришда ёрдамчи восита бўлишини, бундай категориялар тизими баҳолаш категорияларини ўз ичига олишини, шунингдек, ишда инсон нутқи ва фикрлаш фаолияти давомида ҳосил қилинадиган маънолар ва уларнинг тавсифи инсон тафаккурининг таснифи тамойиллари нуктаи назаридан амалга оширилиши, лексик категориялар даражасида интерпретация қилиниши инглиз тили луғат таркибидаги лексик бирликлар орқали тадқиқ қилинган.

М.А. Захарова немис тили материалида “хайвонот олами” лексик категориясининг интерпретацион имкониятларини таҳлил қилган⁷. Унда интерпретация назарияси нуктаи назаридан иккиламчи маънолар шаклланишининг комплекс таҳлили амалга оширилган. Муаллиф ҳайвонот олами когнитив майдонини интерпретация қилиш характери ҳамда эгалланган билимларни тизимлаш масалаларини ёритган. Тадқиқотда эгалланган билимларни интерпретация қилиш потенциалини моделлаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилган.

И.В.Беляева оламнинг лисоний манзарасида зооним компонентли фразеологик бирликларнинг интерпретацион функцияси тадқиқини рус,

Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина. – Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2017. – 460 с.; Заботкина В.И., и др. Методы когнитивного анализа семантики слова. Компьютерно-корпусный подход. – М.: Языки Славянской культуры. 2015. – 344 с.; Худойбергана Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – 136 б.; Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентриқ тадқиқи (номинатив аспект): Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Самарқанд: 2020. – 285 б.; Джусупов Н.М. Инглиз тилидаги бадий матнда илгари суриш воситаларининг когнитив-стилистик асослари: филол. фан. док. ... автореф. – Т.: 2020. – 81 б.

⁵ Устарханов Р. И. Метафтонимия в английском языке: Интерпретационно-когнитивный анализ. Автореф. дисс. ... док. фил. наук. – Пятигорск: Пятигорский государственный лингвистический университет, 2006. – 22 с.

⁶ Панасенко Л.В. Интерпретирующий потенциал лексических категорий: Автореф. дисс. ... док. фил. наук. – Тамбов: Тамбовский государственный университет имени Г.Р.Державина, 2008. – 43 с.

⁷ Захарова М.А. Интерпретирующий потенциал лексических категорий тематической области «животный мир» в немецком языке: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Тамбов: Тамбовский государственный университет имени Г.Р.Державина, 2020. – 26 с.

инглиз ва француз тиллари мисолида амалга оширган⁸. Муаллиф зооним компонентли фразеологик бирликлар маъноларининг типологик ва функционал таҳлилини амалга оширар экан, уларнинг келиб чиқишидаги иккиламчи номинациянинг мавжудлигига эътибор қаратган. Тадқиқотда фразеологизмлар интерпретацияловчи маъноларини шакллантиришнинг етакчи тамойили ва механизмлари ҳамда уларнинг концептуал асослари аниқланган.

Маълум бўладики, тилшуносликда билим интерпретацияси, унинг моҳияти юзасидан назарий қарашлар шаклланган. Бироқ кўчма маъноли тил бирликларининг юзага келиши, уларнинг иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатидаги концептуал хусусиятлари, оламни лисоний акс эттиришдаги ўрни, миллий-маданий хусусиятлари муаммоси монографик аспектда тадқиқ этилмаган. Айниқса, бу масала туб, ясама ва қўшма сўзлар мисолида ўрганилмаган. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда мазкур тадқиқотда иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатида кўчма маъноли тил бирликларнинг когнитив асосини аниқлаш кўзда тутилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари” бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тилда олам ҳақидаги билимлар иккиламчи интерпретациясининг антропоцентрик моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилнинг антропоцентрик моҳияти ҳамда интерпретацион вазифасини асослаш;

тил воситасида оламни иккиламчи концептуаллаштириш ва иккиламчи категориялаштиришнинг назарий масалаларини таҳлил қилиш;

маъноси кўчимга учраган лексемаларнинг когнитив моделларини белгилаш;

олам ҳақидаги билимнинг иккиламчи интерпретациясида концептуал деривациянинг ўрнини ўрганиш;

сўз ясалишида, жумладан, туб, ясама ва қўшма сўзларнинг концептуал асосини тадқиқ қилиш;

сўз ясалишида концептуал метафора, концептуал метонимия ва метафтонимия каби когнитив механизмларнинг ўрни ва интерпретацион моҳиятини аниқлаш;

концептуал метафора ҳамда концептуал метонимиянинг концептуал интеграция назарияси нуқтаи назаридан таҳлилини амалга ошириш.

Тадқиқот объекти сифатида иккиламчи интерпретациянинг ҳосиласи ҳисобланган кўчма маъноли лексик бирликлар танланган.

⁸ Беляева И.В. Интерпретирующая функция фразеологизмов с компонентом-зоонимом в языковой картине мира (на материале русского, английского и французского языков): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Тамбов: Тамбовский государственный университет имени Г.Р.Державина, 2020. – 21 с.

Тадқиқот предметини лексик бирликлар иккиламчи интерпретациясининг антропоцентрик моҳияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвистик тасвирлаш, когнитив моделлаштириш, концептуал-деривацион, шунингдек, ассоциатив, компонент ҳамда контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг имий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўчма маънога эга бўлган лексик бирликларнинг антропоцентрик моҳияти олам ҳақидаги билимнинг иккиламчи интерпретацияси ҳосиласи эканлиги ясама ва қўшма сўзларнинг концептуал белгиларини очиб бериш орқали исботланган;

иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатида маъноси кўчимга учраган тил бирликларининг концептуал маъноси ушбу бирликларнинг деривацион хусусиятлари билан боғлиқлиги концептуал майдон ҳамда концептуал интеграция назариялари асосида исботланган;

сўз ясалиши когнитив асосининг шаклланишида концептуал метафора, концептуал метонимия ҳамда метафтонимия каби когнитив механизмларнинг фаоллиги кўчма маънога эга бўлган лексик бирликларнинг когнитив моделларини ишлаб чиқиш орқали далилланган;

кўчма маъноли қўшма сўзларнинг қоришиқ ментал майдондаги концептуал моҳияти умумий ментал майдон ҳамда ҳамкор ментал майдонларда фаоллашган концептуал, рамзий ҳамда ассоциатив маъноларининг концептуал интеграцияси асосида очиб берилган;

кўчма маънога эга бўлган лексик бирликларни когнитив моделлаштириш туб сўзларни мақсад-манба майдон ҳамда восита-манба майдонга ажратиш, ясама сўзларни атомар кесимларини аниқлаш ҳамда қўшма сўз компонентларини ментал майдонларга бириктириш орқали амалга ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация материаллари сўз ясалишининг концептуал асосларини янада ривожлантиришга, хусусан, кўчма маъноли лексик бирликларни ўрганишда, ҳамда когнитив семантика, умумий ва қиёсий тилшунослик соҳаларидаги тадқиқотларга муайян даражада хизмат қилган;

диссертацияда когнитив механизмлар ва уларнинг кўчма маънога эга лисоний бирликлар ҳосил бўлишида когнитив аспектнинг роли аниқланган бўлиб, бу, ўз навбатида, концептуал, рамзий ва ассоциатив маъноларни аниқлаш орқали имплицит хусусиятнинг асосланганлигини аниқлаш имконини берган;

тилнинг антропоцентрик моҳиятини аниқлаш инсон томонидан дунёни англаш жараёнида оламнинг миллий манзарасини яратишини кўрсатади. Айнан шу нуқтаи назардан диссертацияда тилдаги инсон омилининг ўзига хослиги белгиланган бўлиб, бу тилни тадқиқ қилишда янги имкониятларни очган;

диссертацияда иккиламчи интерпретациянинг нафақат когнитив характерга эга эканлиги, балки шу тилда сўзлашувчи халқларнинг миллий

маданий хусусиятлари билан ҳам белгиланиши кўрсатилади. Бунинг ёрдамида инсон ўзининг олам ҳақидаги билимига таянган ҳолда, билимларни иккиламчи интерпретация қилиш орқали уни намоён этиши борасидаги далилларнинг назарий аҳамиятини ўрганиш учун амалий имкониятлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тилшуносликда қўлланилган методлар, ишда қабул қилинган умумий илмий назариялар ва умумэътироф этилган лингвистик концепциялар, шунингдек, диссертациянинг назарий хулосалари шакллантирилган катта ҳажмдаги таҳлил қилинган эмпирик материаллар, тадқиқотнинг асосий натижаларини нашр этиш учун Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий ва хорижий илмий журналларда, республика ва халқаро илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилган мақолалар, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти когнитив аспектдаги семантиканинг такомиллаштиришга йўл очиб, унинг хулосалари лексикология соҳасида ўрганиладиган сўз ясалиши, хусусан, маъноси кўчимга учраган тил бирликларининг тил тизимидаги мавқеи, концептуал асоси, миллий ўзига хослиги билан оламнинг лисоний манзарасини яратишдаги билимларини илмий-назарий жиҳатдан бойитганлиги ҳамда қўлланилган ҳозирги замон тилшунослигидаги методлар когнитив тилшунослик доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар йўналишини кенгайтиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти филология таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар ҳамда докторантлар учун услубий қўлланма сифатида фойдаланилиши, шунингдек, лексикология, стилистика, когнитив тилшунослик, семантика ва лингвокультурология фанлари бўйича маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тилда олам ҳақидаги билимлар иккиламчи интерпретациясининг антропоцентрик моҳиятини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

кўчма маънога эга бўлган лексик бирликларнинг антропоцентрик моҳияти олам ҳақидаги билимнинг иккиламчи интерпретацияси ҳосиласи эканлиги ясама ва кўшма сўзларнинг концептуал белгиларини очиб беришга қаратилган хулосалардан Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги замон қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 14 сентябрдаги 345/1-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган сўз ясалишининг когнитив асосини аниқлашга хизмат қилган;

иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатида маъноси кўчимга учраган тил бирликларининг концептуал маъносининг ушбу бирликларнинг деривацион хусусиятлари билан боғлиқлигига оид хулосалардан Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 14 сентябрдаги 345/1-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳада фольклорга оид бўлган лексик бирликларнинг орасида кўчма маъноли лексемаларнинг миллий-маданий хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган;

сўз ясалиши когнитив асосининг шаклланишида концептуал метафора, концептуал метонимия ҳамда метафтонимия каби когнитив механизмларнинг фаоллиги кўчма маънога эга бўлган лексик бирликларнинг когнитив моделларига оид натижалардан Мехико штатининг Автоном университети томонидан ташкил этилган онлайн курс машғулотида фойдаланилган (Мехико штати Автоном университетининг 2022 йил 11 майдаги 851-сон маълумотномаси). Натижада мазкур тадқиқот тингловчиларга кўчма маъноли тил бирликларининг концептуал ҳамда миллий-маданий хусусиятларини янада чуқурроқ идрок этишга хизмат қилган;

кўчма маъноли кўшма сўзларнинг қоришиқ ментал майдондаги концептуал моҳияти умумий ментал майдон ҳамда ҳамкор ментал майдонларда фаоллашган концептуал, рамзий ҳамда ассоциатив маъноларининг концептуал интеграциясига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир қатор ёш шоир ва ёзувчиларининг шеърий ва насрий асарларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 01-03/1148-сонли маълумотномаси). Мазкур тадқиқотда таҳлилга тортилган ўзбек тилидаги маъноси кўчимга учраган тил бирликларидан тўғри ва ўринли фойдаланишларини таъминлашда ижодкорларга яқиндан ёрдам берган;

кўчма маънога эга бўлган лексик бирликларни когнитив моделлаштириш туб сўзларни мақсад-манба майдон ҳамда восита-манба майдонга ажратиш, ясама сўзларни атомар кесимларини аниқлаш ҳамда кўшма сўз компонентларини ментал майдонларга бириктиришга оид хулосалардан ITD-1 рақамли “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғатини тузиш” мавзусидаги амалий лойиҳада “Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғати”ни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 15 сентябрдаги 23/57-сонли маълумотномаси). Ушбу тадқиқот материаллари мазкур амалий лойиҳа бўйича луғат ва ўқув қўлланмаларни яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишига эришилган;

кўчма маъноли ономастик бирликлар таркибидаги ясама сўзларнинг концептуал таҳлилининг атомар кесимлар асосида аниқланишига оид

натижалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг AL-412104512 рақамли “Ўзбекистоннинг географик объектлари учун кўп тилдаги электрон луғати” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 12 сентябрдаги 01/562-сонли маълумотномаси). Натижада географик номларда учрайдиган кўчма маъноли антропонимларни изоҳлашда назарий манба сифатида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий нашр чоп этилган, шундан 1 та монография, 12 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 247 ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги далилланган, мавзу юзасидан хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқот усуллари кўрсатилган ҳолда илмий янгилиги баён этилган, ишнинг амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Оламнинг концептуал манзараси тадқиқининг назарий ва методологик аспекти”** деб номланган биринчи бобида тилнинг антропоцентрик моҳияти хусусидаги назарий қарашлар таҳлил қилинган, интерпретация назариясининг когнитив моҳияти очиб берилган, асосий когнитив жараёнлар сифатида тилда оламнинг иккиламчи концептуаллашуви ҳамда категориялашуви масаласи ёритилган.

Тилнинг антропоцентрик моҳияти шунда намоён бўладигани, тил нафақат инсон онгидаги тайёр схема ва тузилмаларга асосланади, балки инсон томонидан оламни ва олам тўғрисидаги билимларни идрок этиш ва интерпретация қилишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Тилнинг антропоцентрик табиати ва интерпретацион вазифаси ўртасидаги муносабатни белгиловчи омил – бу инсоннинг концептуал тизими, унинг мотивлари, интилишлари ва қизиқишлари ҳисобланади. А. Вежбицкая сўзи

билан айтганда, “Тил бирликлари субъектив, антропоцентрик ва этноцентриклигининг боиси лисоний маъно – оламнинг инсон томонидан интерпретация қилинишидир”⁹. Л.А. Манерконинг сўзларига кўра, “антропоцентрик парадигма тушунчаси шахс билан боғлиқ, унинг моҳияти, роли ва тафаккурнинг иштирокида ушбу парадигма инсонга қаратилган бўлиб, у тилда инсон омилининг очилишини кўрсатиб беради”¹⁰. “Тилнинг антропоцентрик табиати унинг интерпретацион функциясида амалга оширилиши оламнинг лисоний манзарасида, унинг тузилиши ва инсонларнинг олам билан ўзаро муносабатларига оид лисоний тажрибасида тўлиқ намоён бўлиб, бу ҳодиса фанда когнитив фаолият ҳисобланади”¹¹. Б.А.Серебренниковнинг таъкидлашича, “тил инсон учун фақат мулоқот воситаси сифатида эмас, балки билиш воситаси сифатида ҳам қўлланилади”¹². Тил инсонга ўраб турган оламни объективлаштиришга, фикр, қарашларини шакллантириш ва ифодалашга ёрдам беради, шунингдек, тил инсоннинг ташқи олам объектлари ва ҳодисаларига, ўзига ва атрофидаги инсонларга бўлган муносабатини тартибга солиш усули ҳамдир. Шу сабабли тил акс эттирмайди, аксинча, инсон акс эттиради, тил эса ифодалайди.

Оламни билиш, идрок этиш оддий ҳодиса эмас, шу сабабли тафаккур фаолиятида шахс, унинг фаолияти билан боғлиқ барча турдаги ижтимоий, маданий ҳодисаларни ҳам инобатга олиш керак бўлади. Аммо таъкидлаш лозимки, инсон тилисиз бу жараёнларни тасаввур қилишнинг ўзи мушкул ҳодиса, унинг замирида, албатта, инсоннинг билиш жараёни ва захиравий билими уни ўраб турган борлиқ билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бойиб боради. Д.Худойберганова “тилнинг антропоцентрик моҳияти уни нафақат структур, балки коммуникацияга асосланган очиқ тизим сифатида ўрганувчи, уни жамият, инсон, маданият, руҳият каби бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ этувчи, инсонни тилда ёки тилни инсонда таҳлил этишга йўналтирилган таълимотлар ва усуллар мажмуи”¹³ дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, тилнинг антропоцентрик моҳияти шундаки, инсон лисоний маъно ва шаклларни тайёр ҳолда ифодаламайди, балки ҳар бир нутқ актида фикрни шакллантириб, уларни вербаллаштирувчи воситалар билан қайта танлайди.

Тилнинг мазмун жиҳатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, билимларни конфигурация қилишнинг когнитив ва лисоний механизмларини ўрганишда инсоннинг ўзига хос барча билим эҳтиёжлари, имкониятлари ва қобилиятларига мурожаат қилинмасдан иложи йўқ. Зотан, инсоннинг фикрловчи мавжудот сифатида идрок этиш қобилиятининг ўзи лисоний

⁹ Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание / пер. с англ., отв. Ред. М.А. Кронгауз. – М.: Русские словари, 1997. – С. 5-6.

¹⁰ Манерко Л.А. Наука о языке: парадигмы лингвистического знания:– Рязань: РГУ им. С.А.Есенина. 2006. – С. 53.

¹¹ Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов: 2015. – № 1. – С. 8.

¹² Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира / Б.А. Серебренников, Е.С. Кубрякова, В.И.Постовалова и др. – М.: Наука, 1988. – С. 109.

¹³ Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2015 – Б. 21-22.

категориялаштириш ва концептуаллаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлса, когнитив фаолият моҳиятига кўра интерпретацион жараёндир. Объект – интерпретация қилинадиган нарса, ҳодиса ёки борлиқ, субъект – интерпретация қилувчи. Демак, инсон тил ёрдамида борлиқни интерпретация қилиши тилнинг антропоцентрик хусусиятида намоён бўлади, объект синфидан субъект синфига ўтади. Тилнинг антропоцентрик моҳиятини тадқиқ қилиш инсон концептуал тизимининг миллий-маданий хусусияти билан характерланади.

Айтиш жоизки, лисоний интерпретация когнитив фаолият натижасида оламни инсон томонидан тушуниш ва тушунтиришга қаратилган. Бу фаолият, бир томондан, жамоавий билимларга, иккинчи томондан, индивидга, борлиқ билан ўзаро муносабат тажрибасига асосланган. Бу борлиқ инсоннинг жамоавий-лисоний ёки индивидуал-лисоний онг проекциясидир¹⁴.

“Инсоннинг оламни ва ушбу оламдаги ўзини субъектив тушуниш жараёни ва натижалари, бир томондан, олам ҳақидаги мавжуд умуминсоний тасаввурларга, бошқа томондан, ўзининг олам билан ўзаро муносабатидаги шахсий тажрибасига асосланган”¹⁵ ҳолда оламни интерпретация қилиш ҳисобланади. Бу – олам манзараси ёки инсоннинг индивидуал онгига сингдирилган ўз оламидир. Тилшуносликда интерпретация қилиш воситалари ва мақсадлари билан фарқ қилувчи лисоний интерпретациянинг иккита асосий тури тўғрисида сўз юритилади. Н.Н.Болдырев фикрига кўра бирламчи интерпретация инсоннинг олам тузилишида фаол ва аниқ бир мақсаддаги ҳаракатини ва у билан бўлган ўзаро ҳаракат схемасини англатади. Мазкур ҳаракат орқали инсон оламни идрок этишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни маълум бир қолипга, яъни категорияларга жойлаштиради. Бу жараёнда инсон тизимли тематик концептуал майдонларини шакллантиради. Мисол учун барча тилларга универсал бўлган концептлар, SIN, LIFE, TRAVEL, WORK, FRIENDSHIP, LAW, BEAUTY, HEALTH, LOVE, DECEIT, FREEDOM, FORM, CONDITION, (ГУНОҲ, ҲАЁТ, САЁҲАТ, МЕҲНАТ, ДЎСТЛИК, ҚОНУН, ГЎЗАЛЛИК, СОҒЛИК, СЕВГИ, ЁЛҒОН, ОЗОДЛИК, ШАКЛ, ҲОЛАТ, ГРЕХ, ЖИЗНЬ, ПУТЕШЕСТВИЕ, ТРУД, ДРУЖБА, ЗАКОН, КРАСОТА, ЗДОРОВЬЕ, ЛЮБОВЬ, ОБМАН, СВОБОДА, ФОРМА, СОСТОЯНИЕ). Иккиламчи интерпретация олам, объект ва ҳодисалар категориялари ҳақидаги мавжуд ва аллақачон тилда ифодаланган жамоавий билимдир. Иккиламчи интерпретациянинг натижаси оламдаги объектлар ва ҳодисалар, шу жумладан, иккиламчи концептуаллаштириш ва иккиламчи категориялаштиришга ажратиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган янги билимдир¹⁶. Масалан, *anatomy* – the scientific study of the bodies and body parts of people and animals [LDELС 2066] бирламчи луғавий маъноси инсон ҳамда

¹⁴ Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов: 2015. – № 1. – С. 5-12.

¹⁵ Болдырев Н.Н. Кўрсатилган мақола. 2015. – С.8

¹⁶ Болдырев Н.Н. Кўрсатилган мақола. 2015. – С. 8-9.

хайвонларнинг тана тузилиши ва қисмлари ҳақидаги фанни англатади. Аммо иккиламчи интерпретация қилиш натижасида унинг кўчма маънода қўлланилиши ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг турли кўринишларини ифодалайди. “Ўлим анатомияси” – бадиий фильм номи ёки “The basic anatomy of book design” асар номида худди инсоннинг тана аъзолари ҳақида ахборот бергандай маълум ҳодисаларнинг барча сир синоатлари очиб берилганки, бу ўз-ўзидан жонсиз фаолиятни жонли тасвир орқали ёритишга имкон берган. “Anatomy of modern society” бу ҳолатда ёзувчи ўзи яшаб турган жамиятнинг барча белги ва хусусиятларини жонли бир мавжудотнинг анатомиясини тасвирлагандек, ҳеч қандай тафсилотларини тушириб қолдирмай китобхонга етказиб беришга ҳаракат қилган. Бирламчи интерпретация билан иккиламчи интерпретация ўртасидаги фарқ шундаки, уларнинг интерпретация қилиш объекти, воситалари ва мақсадлари бир-биридан кескин фарқ қилади.

Инсон атрофдаги оламни визуал акс эттирмайди, балки тайёр когнитив схемаларда ва оламни лисоний идрок этиш тажрибасига таянган ҳолда онгида кодлаштиради. Инсон, аввало, оламни идрок этади, ундан сўнг тафаккурида билим бирлиги концепт сифатида кодлаштиради, сўнгида вербал ифода берган ҳолда интерпретация қилади. Таъкидлаш жоизки, интерпретация лисоний тасаввурларнинг хилма-хиллигида аниқ бўлади¹⁷ ҳамда бу оламда инсонни, ўзини тушуниш, тушунтириш жараёни ва натижаси сифатида намоён бўлади.

Концептуаллаштириш қабул қилинувчи маълумотни тушуниш, объектлар ва ҳодисаларнинг ментал курилиши, олам ҳақидаги билимларнинг концептлар ҳолида шаклланишига олиб келади. Масалан, *хайвон, таом, артефакт, транспорт, ўсимлик* ва бошқалар. Ушбу концептларнинг асосий қисми аниқ сўзларнинг маънолари билан тилда ўрганилади, бу эса олинган билимларнинг сақланишини, авлоддан-авлодга узатилишини таъминлайди¹⁸. Концептуаллаштириш билиш фаолияти сифатида инсон тажрибаси, билим тузилмаларининг минимал бирликларини аниқлаб, таснифлашда ўхшаш бирликларни категорияларга бирлаштиришга қаратилган. Концептуаллаштириш – барча объектлар, ҳодисалар ва уларнинг олам ҳақидаги умумий билим сифатидаги тавсифлари бўлиб, таҳлил объекти эса концептни ифодаловчи барча тил бирликлари ҳисобланади. Бирламчи концептуаллаштиришнинг эмпирик билим даражаси бирламчи саналади. Бу инсоннинг идроки каби билим олиш қобилияти бўлиб, унинг ёрдамида олам билан бевосита алоқа ўрнатади. Натижада шахс ажралмас билиш жараёнининг асосини ташкил этувчи эмпирик, лисоний билимлар деб аталадиган бирламчи маълумотларни олади. Масалан, табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси,

¹⁷ Демьянков В.З. Основы теории интерпретации и ее приложения в вычислительной лингвистике. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1985. – 76 с.; Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. – М.: 1994. – №4. – С. 17-33.

¹⁸ Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Филологический ф-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. – С. 93.

шарқ, ғарб, шимол, жануб каби. Н.Н.Болдырев “лисоний маъноларни мустаҳкамлашда инсон кузатувчи ва маълум тажриба ҳамда билимларни ташувчи сифатида муҳим роль ўйнайди”¹⁹, деб таъкидлайди.

Д.Лайонз иккиламчи категориялаштиришнинг хусусиятларини ўрганиб, уни бирламчи категориянинг ҳосиласи сифатида талқин қилган²⁰. Унинг фикрича, бу рақамлар, турлар, ҳолатлар ва бошқалар каби категорияларда намоён бўлади. Масалан, *Вашингтон*, *Навоий*, *Владимир* антропонимларининг *Вашингтон* – АҚШнинг пойтахт номини олиши, *Навоий* – вилоят номи билан англантиши, *Владимир* – Россияда жойлашган шаҳарнинг номларининг аввало, ИНСОН концептининг когнитив майдонидан ўрин олган ушбу антропонимлар иккиламчи категориялаштириш эвазига ЖОЙ концептининг когнитив майдонига ўтади.

Англашиладики, инсон оламини идрок этиш баробарида объект ва ҳодисаларни бирламчи категорияга, айнан ушбу категорияга асослаиб, тилда маъноси кўчимга учраган тил бирликларини иккиламчи категорияга ажратади. Ҳар бир инсон ўзининг лисоний фаолиятида олам ҳақидаги билим ўзича интерпретация қилади. Тилнинг антропоцентрик моҳияти интерпретацион функциясида намоён бўлиб, инсон бир вақтнинг ўзида ушбу жараёнда билим ва интерпретациянинг ҳам жамоавий чизмасидан фойдаланади, ҳам ўзининг шахсий концептуал тизимини ишга солади. Тилнинг антропоцентрик табиати шундаки, сўзловчининг нутқи объектив оламнинг субъектив қиёфаси ҳисобланади, олам борасидаги жамоавий маълумотлар эса ўзига хос изоҳланади, деган хулосага келиш мумкин.

Интерпретацияни амалга оширишнинг категориал даражаси, ўз навбатида, тилнинг интерпретациялаш вазифасини намоён қилиш учун зарурий асос ва етарли далилдир, ваҳоланки, тил, энг аввало, категориал хусусиятга эга.

Иккинчи боб “**Лисоний интерпретациянинг антропоцентрик табиати**” деб номланган бўлиб, унда когнитив моделлаштириш, лисоний интерпретациянинг антропоцентрик моҳияти, концептуал деривация ва тил ҳақидаги билимнинг иккиламчи интерпретациясининг антропоцентрик табиати хусусида билдирилган қарашлар умумлаштирилган.

Сўзнинг когнитив жиҳати концептнинг лексик ифодасини ташкил этади. В. фон Гумбольдтнинг таъкидлашича, “сўз – ҳиссий қабул қилинадиган предметнинг эквиваленти эмас, сўз – у шаклланган муайян вақтда нутқ яратиш акти давомида қандай идрок этилганлигининг эквивалентидир”²¹.

Структур тилшуносликда *модел* термини қуйидаги изоҳларга эга: модел – бу лисоний мақсадда хатти-ҳаракат билан аслият хулқ-атворини реаллаштирувчи, унга тақлид қилувчи, тилшунос томонидан сунъий

¹⁹ Болдырев Н.Н. Категории как форма репрезентации знаний в языке // Концептуальное пространство языка: сб. науч. тр. – Тамбов: 2005. – С. 16-39.

²⁰ Лайонз Д. Введение в теоретическую лингвистику. – М.: Прогресс, 1978 – 540 с.

²¹ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 103.

равишда яратиладиган реал ёхуд тафаккур қурилмасидир²². Модел – бу мураккаб тил бирликларида сегмент ва устсегмент унсурларнинг жойлашуви бўлиб, лисоний тузилма хусусиятлари билан белгиланади ва нутқда доим қайта ифодаланади. Е.Г.Беляевскаянинг фикрича, когнитив модел концептуал асоснинг энг умумлаштирилган, схематик ифодаси сифатида таърифланиши мумкин бўлган, маънодаги энг муҳим лаҳзаларни ажратиб кўрсатадиган фикрлаш моҳиятидир²³. Когнитив модел микрофреймларнинг таркибий тузилмалари учун кенг тарқалган бўлиб, улар референт даражасида фарқ қилади ва нутқда моделлаштириш учун бирликдан фойдаланиш имкониятини беради.

Тилда маъноси кўчимга учраган тил бирликларини ўрганиш учун когнитив ёндашув олам ҳақидаги билимларнинг янги қирраларини очиб беради ва когнитив фаолият жараёнида қабул қиладиган маълумотни концептуаллаштириш ва категориялаштириш, вербаллашган концептлар асосида ҳосила маъно пайдо бўлишини кузатиш имконини беради. Когнитив семантика бўйича амалга оширилган тадқиқотларда когнитив механизмлар орқали кўчма маъноли сўзлар семантикаси шаклланишининг когнитив асослари очиб берилади, баъзи пропозицион, метафорик, метонимик когнитив моделлар тасвирланади, уларга мувофиқ композициялар ҳосил бўлиши баён этилади. Когнитив моделлаштириш усули “лисоний бирликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини ҳамда улар асосида билим тузилмаларини, шунингдек, лисоний бирликлардан фойдаланиш тажрибасини”²⁴ кўрсатишга имкон беради. Масалан, инглиз тилида *ladyfingers* (бисквит) – a small finger-shaped sponge cake [OALD: 2010] лексемаси FOOD – HUMAN + PARTS OF BODY –когнитив модели асосида ҳосил бўлган. Маълумки, ширинликлар асосан аёллар томонидан тайёрланади. Ушбу моделда HUMAN ва PARTS OF BODY (аёл ва унинг бармоғи) манба майдони ҳисобланади. Ушбу лексик бирлик метафтонимия когнитив механизми (metaphor from metonymy) асосида шаклланган: *lady* – метафорик, *finger* – метонимик ҚИСМ-БУТУН. Мақсад майдони эса FOOD саналади, чунки ушбу умумий концептнинг концептуал майдонидан *бисквит* ҳам ўрин олган. Ўзбек тилида ҳам метафтонимик ТАОМ – СОН + ТАНА АЪЗОСИ модели асосида *бешпанжа* – бешта сихда тайёрландиган кабоб тури шаклланган. Ушбу мисолда ҳам метонимия орқали метафора усулида (metaphor from metonymy) таом номи инсон танасининг қисмига ўхшатишмоқда. *Бешпанжа* қўй ёки мол гўштининг юмшоқ жойидан ёки қўй ковурағаларидан тайёрланади. Ушбу таомнинг бундай ном олишида гўшт

²² Большой энциклопедический словарь. Языкознание. 2-е репринтное издание Лингвистического энциклопедического словаря 1990 г. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – С. 304.

²³ Беляевская Е.Г. Семантическая структура слова в номинативном и коммуникативном аспектах. Когнитивные основания формирования и функционирования семантической структуры слова: Дисс. ... д-ра филол. наук. – М.: 1992. – С. 83

²⁴ Болдырев Н.Н. Принципы и методы когнитивных исследований языка // Принципы и методы когнитивных исследований языка. – Тамбов: 2008. – С. 13.

бўлаклари бир-бири билан бешта сикга жамлаганда худди бешта панжанинг очик ҳолатига ўхшайди.

Ж. Лакофф фикрига кўра, когнитив моделлар фикрлаш ва категорияларни шакллантириш жараёнида қўлланади. Ҳар бир когнитив модел гештальтни намоён этади. Олим идеаллаштирилган когнитив моделда бир тилда сўзлашувчилар учун конвенционал бўлган концептуал структуралар мажмуи намоён бўлишини таъкидлайди²⁵. Ж.Лакофф концептуал тизимда тўртта модел тури мавжудлигини кўрсатади: пропозиционал, образли-схематик, метафорик ҳамда метонимик. Ушбу когнитив моделлар бошланғич маъноли лексик бирликлар орқали репрезентация қилинадиган концептларни тизимлаштиради. Олим метафорик когнитив моделларга алоҳида эътибор қаратди ва инсоннинг концептуал тизими табиатан метафорик хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди²⁶. Ж.Лакофф., М.Жонсон, С.Клауснер, В.Крофтнинг ишларида концептуал метафора орқали ҳосила маънонинг пайдо бўлишида иккита когнитив майдон, яъни *манба майдони* (source domain) ҳамда *мақсад майдони* (target domain) иштирок этиши кўрсатилди²⁷. Уларнинг фикрича, концептуал метафора ортида фрейм ва сценарий ўртасидаги ўзаро таъсир кучи ётади. *Манба майдони* инсоннинг тажрибаси орқали борлиқни идрок этишидаги аниқ билимлари йиғиндисидир. *Мақсад майдони* эса манба майдони асосида ойдинлашган, аниқлашган муқаррар билимдир. Масалага аниқлик киритилса, метафора орқали маъно кўчиши содир бўлганда инсон тилнинг луғат таркибидаги мавжуд бирликлардан ва у ҳақидаги билимидан фойдаланади. Ушбу ҳолат *манба майдони* вазифасини ўтайди. *Мақсад майдони* эса инсон тафаккурида тайёр тил бирликлари орқали ҳосил қилинадиган янги ҳосила маънодир. Масалан, ИНСОН – ҚУШ когнитив модели бўйича ясалган ва маъноси кўчимга учраган тил бирликларида ҚУШ концепти манба майдони, ИНСОН концепти эса мақсад майдони саналади. Масалан, дунё халқларининг деярли барчасида кабутарлар тинчлик ва муҳаббат рамзи сифатида таърифланади. Шунинг учун давлатлар ўртасидаги зиддиятни куч ишлатмасдан, тинчлик йўли билан сиёсий музокаралар орқали муаммони ҳал қилувчи сиёсатчини инглизлар *dove* (кабутар) – a politician who wants to use peaceful methods to solve problems rather than fighting [MED 2006: 416], деб атайдилар. Унинг антоними сифатида тинч музокаралар йўли билан давлатлараро низоларни ҳал қилиш ўрнига, қуроли кучлардан фойдаланган ҳолда низони ўз фойдасига ҳал қилиш ҳаракатидаги инсонни инглизлар *hawk* (қирғий) – a person who strongly supports the use of force in political relationship rather than discussion or other more peaceful solutions

²⁵ Lakoff G. Women, Fire, and Dangerous Things: What Categories Reveal about the Mind. – Chicago: University of Chicago Press, 1987. – 632 p.

²⁶ Бабина Л.В., Феденко А.Ю. Двухкомпонентные сложные существительные как результат интерпретации знаний о человеке в английском языке // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов: 2017. – №2. – С. 52.

²⁷ Lakoff, G., Johnson, M. Кўрсатилган асар. 2003. – Б. 266; Croft W. and D. Alan Cruse. Cognitive Linguistics. – New York: Published in the United States of America by Cambridge University Press, 2004 – P. 55; Croft W. and D. Alan Cruse. Кўрсатилган асар. 2004. – P. 195.

[<https://dictionary.cambridge.org/hawk>], деб атайдилар. Ушбу куш турларининг номи инсонга кўчирилишида “ҳаракат” концептуал белигиси доминантлик қилган ҳамда кабутар инсон билан яшаши, қирғий йиртқич куш, яъни инсон билан алоқага киришмаслиги инобатга олинган. Ушбу майдонлар эквивалент эмас. Агар манба майдони, одатга кўра, инсон томонидан предметли-билиш фаолияти давомида орттирилган аниқ, ҳиссий билимларни намоён этса, мақсад майдони эмоционал-ҳиссий маънога эга бўлган билим ҳисобланади. Метафорик проекциялаш натижасида мақсад майдони қисман манба майдонидан нусха олади. Шунингдек, когнитив моделлар ўртасидаги алоқаларни белгилайдиган метафорик проекциялаш сўз маънолари ўртасидаги муносабатларни характерлайди.

Маъноси кўчимга учраган лексик бирликлардаги метафоралашув жараёни қисмларнинг идиоматиклашуви билан характерланади ва концептуаллаштириш жараёни мураккаброқ кечади. Когнитив моделлар тил эгасининг оламни идрок этиш жараёнида қандай когнитив механизмлар фаол иштирок этишига аниқлик киритади.

Маълумки, сўз семантикасининг тадқиқи концептни фақат бир жиҳатдан ўрганишга имкон беради. Когнитив модел таҳлили орқали сўзнинг лексик тасвири бойитилади, сўз маъноларининг контекстдаги излари, унинг метафорик, метонимик, метафтонимик маъноси қайд этилади. Бу, ўз навбатида, концептнинг жамики пинҳоний белгиларини очиш имкониятини беради. Бундан ташқари, когнитив моделлаштириш таҳлил методи тадқиқ этилаётган концепт ёрдамида оламнинг муайян тиллардаги манзараси интерпретациясини аниқлашга имкон беради.

Ж.Лакофф метонимик когнитив моделни ўзаро алмашиш муносабатидаги элементлар структураси сифатида талқин этади²⁸. З.Ковессес ва Ж. Радден фикрига кўра, метонимия – бу когнитив жараён бўлиб, унда концепт – восита майдон (vehicle domain) концепт – мақсад майдон (target domain)га ментал эришиш имкониятини бир майдон ёки идеаллаштирилган когнитив модел доирасида таъминлайди²⁹. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, концептлар идеаллаштирилган когнитив моделнинг қисмлари ҳисобланади, демак, улар турдошлик муносабатида бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *қулоқ* сўзига берилган таърифлар орасида *тингловчи* ёки *айгоқчи* маъноларини англлатувчи изоҳ топилмади. Аммо бадий асарларда қўлланилган *қулоқ* сўзида ҳам метонимия орқали маъно кўчими кузатилади. Масалан, “*Буларнинг гапини эшитиш учун бекорчи қулоқ керак, агар қулоқнинг расмини чизиб кетсанг ҳам кифоя гапидан тўхтамайди*”³⁰. Ушбу контекстдаги бекорчи қулоқ айнан тингловчи, яъни

²⁸ Lakoff G. Women, Fire, and Dangerous Things: What Categories Reveal about the Mind. – Chicago: University of Chicago Press, 1987. – P. 78.

²⁹ Kövecses Z., Radden G. Metonymy: Developing a Cognitive Linguistic View // Cognitive Linguistics. – Berlin/New York, 1998. – vol. 9. – №1. – P. -39.

³⁰ Тоҳир Малик. Иблис девори кисса. – Т.: Шарқ – 2006. – Б 27.

инсон маъносида қўлланилган. Қуйидаги мисолда ҳам айнан инсон тана аъзосининг биргина ҚИСМИ билан БУТУН анланмоқда.

Инсоннинг оламни идрок этиш жараёнида воқеликнинг қайта англаниши натижасида индивид концептосферасида янги мураккаб когнитив жараёнлар амалга ошади. Бу жараёнлар *концептуал деривация* мақомини олади. Концептуал деривация аниқ концептлар ўртасида алоқа мавжуд эканлигини назарда тутган ҳолда асосий концепт ва унинг асосида пайдо бўлган концептларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди. Концептуал деривация ҳосила сўзларда ўз аксини топади. Концептуал деривация инсон билимларининг ўзаро боғланиши маълум бир сўз ясашиш моделлари, сўз яшаш механизмлари ва унинг семантикасига асосланади. Иккиламчи интерпретация эса юқорида айтиб ўтилган ҳолат ҳосиласи ўлароқ, олам ҳақидаги билим, объект ва ҳодисалардир. Унинг натижаси оламнинг объект ва ҳодисаси ҳақидаги янги билимнинг шаклланиши демакдир.

Иккиламчи интерпретация доирасида ҳосила концептуал деривация орқали ҳосил бўлган сўзлар бой маълумотлар базаси сифатида эмас, балки катта ҳажмдаги қолипланган маълумотларни сақловчи ва бу маълумотларга киришга имкон берувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, у тил эгаларига маълум билим тузилмаларини сўз яшаш моделлари билан боғлаш схемаларини, сўз ҳосил бўлишининг моделлаштириш механизмларини ва тил бирликларининг семантикасини ажратиш стратегиясини, янги маълумотларни қайта ишлаш тартибини таъминлайдиган муҳитдир³¹. Кўчма маъноли сўзлар оламни билиш ва баҳолашда пайдо бўлган ҳамда турли характерга эга бўлган билимларни ўз ичига олган инсон концептуал тизимининг ривожланиш натижаси бўлган концептуал ассоциацияларни бирлаштириш ва вербаллаштириш имконини беради.

Концептуал деривация шахснинг мавжуд концептга асосланган когнитив майдонида янги билимлар структурасининг пайдо бўлишини таъминлайдиган билиш жараёнидир. Концептуал деривация жараёнида базавий тушунчалар концептуал майдонга бирлаштирилади, унинг таркибидаги базавий концептлар маълум концептуал белгилар нуқтаи назаридан бир-бири билан мувофиқлаштирилган кўриниш олади. Когнитив фаолият жараёнида ҳосил бўлган концептлар лисоний тасаввурга эга бўлиб, концептуал тизимнинг ажралмас қисмига айланиб, ўз навбатида, унинг кейинги тузилиши ва асл тузилмалар билан ҳосилавий алоқаларни сақлаб қолиш учун асос яратади. Бу жараённинг узлуксизлиги унинг тилда етарли даражада намоён бўлишини тақозо этади, шу билан бирга, унинг ривожланиши ва асосий вазифаси билан турли маъноларни яратишда муҳимлиги таъкидланади. Масалан, маънонинг ижобийлашувида қадимги инглиз тилида *queen* – уй бекаси,

³¹ Кубрякова Е. С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С. 393.

рафика маъносини билдирган бўлса, эндиликда давлат бошқарувида бўлган аёл *қиролича* маъносини англатади.

Концептуал деривация жараёнида концептларни концептуал тузилишга бирлаштириш кўчма маъноли сўзнинг семантикаси асосида ҳам амалга оширилади. Турли фикрларни етказиш дастлабки билимларни интерпретация қилиш билан изоҳланади, яъни концептуал мазмун интерпретацияси инсон томонидан унинг эҳтиёжларига кўра танланадиган турли тавсифлар асосида амалга оширилиши мумкинлиги билан белгиланади. Бунда ономастик метафора орқали ифодаланадиган антропонимлар ортида кенг фонга оид билимлар бўлиши мумкин бўлиб, бу ҳол исмга эга инсоннинг фаолияти, юриши билан белгиланади. Мисол учун Альберт Эйнштейн (Albert Einstein) дунёда буюк олим ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсон тарзида таърифланади. *Go and ask Simon – he`s the Einstein of the family* жумласида ушбу оиладаги *Simon* исми боланинг Эйнштейн номи билан аталиши унинг интеллектуал салоҳиятини белгилайди ёки *The controls are really easy to operate, so you don`t have to be an Einstein* жумласида Эйнштейн номи *салоҳият* маъносида қўлланган [LDELС 2006: 442].

Концептуал деривация иккиламчи интерпретация сифатида инсоннинг олами идрок этиш жараёнида эгаллаган олам ҳақидаги билими ҳисобига амалга оширилади. Л.В.Бабинанинг фикрига кўра, концептуал деривация инсоннинг концептуал тизимида таркибланиш билан асосида когнитив жараённи, янги концептуал билимни акс эттиради³². Шунингдек, ҳосил сўзлар – воқелик ҳақидаги иккиламчи интерпретация ҳосиласи сифатида тадқиқ қилиш концептуал деривация тушунчасига мурожаат қилишга имконият беради. Масалан, инглиз тилида *dishy – very attractive, handsome or beautiful* [DCS 2007: 128] келишган, чиройли, мафтункор бўлган инсон ҳолатини ифодалайди, чунки меҳр билан тайёрланган ҳар қандай таом барчага бирдек хуш ёқиши инсонлар орасида табиатан гўзал, келишган инсонларга ҳам доимо ҳавас ва меҳр билан қаралиши ўртасида боғлиқлик бўлиб, таомнинг айнан ушбу ассоциатив маъноси метафорик тарзда ясама сўз кўчма маъносининг шаклланиши учун асос бўлади.

Кўринадики, концепт тил эгаларининг олам ҳақидаги билимлари, тажрибасини акс эттирувчи тафаккур бирлигидир. Инсон ўз тажрибасини оқилона тушунишга, шунга ўхшаш ёки такрорланувчи элементлар ва белгиларга эътибор беришга, уларни озми-кўпми онгли равишда тузатишга қодирдир. Нутқда аниқ кузатиладиган ҳодисаларни таниб олиш ва тартибга солиш жараёнида инсон қандайдир мавҳум схемани аниқлашга ҳаракат қилади, шундан сўнг тартибли тарзда янги сўзлар, лисоний шакллар ва уларнинг комбинацияларини яратиш мумкин бўлади. Тил тадқиқига когнитив ёндашув унинг бирлик ва категорияларнинг объектив хусусиятларини эмас, лисоний семантикада инсон томонидан олами

³² Бабина Л.В. Концептуальные основы словообразования // Когнитивные исследования языка. – Тамбов: 2009. – Вып. IV. – С. 128-149.

қабул қилишни ўрганишни назарда тутаяди, яъни тил асосий билиш жараёнлари – концептуаллаштириш ҳамда категориялаштириш орқали ўрганилади. Бундай ёндашувнинг асосий методологик тамойилларидан бири шуки, инсон тилида оламни акс эттирмайди, балки тил воситасида уни ўз онгида кодлаштиради, тасдиқлайди деган қарашдир. Шу тариқа ҳар бир алоҳида ҳолатда тилда қандай когнитив механизмлар – метафорик, метонимик ёки метафтонимик усуллардан фойдаланилгани аниқланади. Бу лисоний бирликларнинг нафақат кўчма маъноларини ҳосил қилиш, балки ушбу лисоний бирликлар ортида турган асл билимлар тузилишини аниқлаш имконини ҳам беради.

Ишнинг учинчи боби **“Кўчма маъноли тил бирликларининг интерпретацион моҳияти”** деб номланган. Мазкур бобда сўз ясаилишининг когнитив асослари, хусусан, туб, ясама ва қўшма сўзларнинг концептуал асоси ҳақида фикр юритилган.

Сўз кўп ҳолларда тушунчавий ҳамда товуш тизимига эга бўлган концептнинг луғавий репрезентанти ҳисобланади. Е.С. Кубрякова ёзганидек, “сўз объект ҳақидаги билимларнинг бир қисмини англатиб, луғатларда қайд қилинади, зарур бўлса, объектнинг тандан ҳис этиш ёки унинг қўлланилишидаги ўзгаришларни акс эттирадиган янги маъноларда ишлатилиши мумкин”³³ ва айнан белги билан боғлиқ объект ҳақидаги ҳар қандай энциклопедик билимларни мужассамлаши мумкин. Шундай қилиб, сўзнинг ички лексиконидаги сўз бойлигининг репрезентацияси ортида доимо лисоний белги ва унинг интерпретантлари сифатида, сўз ҳақидаги улкан билимлар йиғиндиси билан биргаликда, объект ҳақидаги билимлар мажмуаси ҳам туради.

Иккиламчи категориялаштиришда вербаллашган билимга мурожаат этиш назарда тутилади, яъни бу категориялаш орқали эгалланган тажриба асосида амалга оширилади. Унинг моҳияти шундаки, лисоний бирликлар уни амалга ошириш жараёнида категориал мансублигини ўзгартира олади. Бирламчи категориялашда бирликлар уларнинг категориясига нисбатан намунавий бўлган сифатларга эга бўлади ва ундан фарқли ўлароқ иккиламчи категориялаштириш фақат бошқа категория аъзоларига хос бўлган вазифаларни бажаришга имкон берадиган маълум бир шароитларда амалга ошади. Бунда маъноси кўчимга учраган лисоний бирликлар янги категориянинг перифериядаги таркибига тегишли бўлади. Вербаллашган билимга такроран мурожаат қилиш орқали кўчма маъноли сўзларни асослайдиган бирликларнинг бирламчи маъноларидан ажралиб турадиган ассоциатив маънолар етакчилик қилади. Н.Н.Болдирев қайд этганидек, “айнан лисоний шакллар ва тилдан фойдаланиш тажрибаси инсонга табиат, нарсалар ҳақидаги ғояларни йўналтиришга ёрдам бериб, идрок этиш ва атрофдаги оламга баҳо бериш орқали уни интерпретация қилиш моделларини шакллантиради”³⁴.

³³ Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. 2004. – С. 65.

³⁴ Болдырев Н.Н. Роль языка в структурировании сознания // Когнитивные исследования языка. – Тамбов: 2015. – Вып. XXII. – С. 36.

Когнитивистларнинг фикрича, сўз ясашиш жараёнлари инсон омилини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Сўзнинг шаклланиши билиш субъекти ва билиш объектининг фаол ўзаро таъсири натижасидир. Сўз ясашиши жараёнларининг когнитив аспектда тадқиқ қилиниши тафаккур тузилмалари ёки билим тузилмалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашни ўз ичига олади. Сўз ясашишининг когнитив жиҳатини тадқиқ қилиш, аввало, базавий концептни аниқлаш билан белгиланади. Қуйида туб сўзлар таҳлили *манба майдони* ҳамда *мақсад майдони* асосида амалга оширилади.

Барча ҳайвон тур ва номларини ҲАЙВОН базавий концепти ўзида мужассамлаштиради: *тулки, бўри, айиқ, чўчқа* каби. Инсон олами идрок этиш жараёнида деярли ҳар бир ҳайвоннинг характери, кўриниши, хатти-ҳаракати ва бошқа жиҳатларини ўрганади ҳамда ўрни келганда уларнинг номларини инсонни тавсифлашда қўллайди. Масалан, ўзбек тилидаги ҚУШ базавий концептининг когнитив майдонидан ўрин олган бургут лексемаси кўчимга учраб, ёвуз одам ҳамда жасур, қайтмас, эпчил инсон [ЎТИЛ 2006: 376] маъносини ифодалашига кўра ҳам салбий, ҳам ижобий коннотацияга эга бўлади. Рус тилида мазкур қуш номи билан *мағрур, жасур инсон* маъноси ифодаланади: *орел* – о гордом, смелом, сильном человеке [ТСРЯ 2011: 1132]. Инглиз тилида ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган аҳмоқ инсон *turkey* (курка) – a useless or silly person [LDELС 2006: 1491] сўзи билан ифодаланади. Келтирилган мисолларда ҚУШ концепти *манба майдони* вазифасини, ИНСОН концепти эса *мақсад майдони* вазифасини концептуал метафора орқали ўтайди.

Ясама сўзларнинг когнитив модели пропозиция кўринишига эга бўлади. Пропозиция концептларни боғловчи ҳамда сўз яшаш модели аналоги сифатида билим репрезентацияси ҳисобланади. Пропозиция таркибида унинг кесими ва аниқлаштирувчи концепт бўлади. Пропозицияни аниқлашда дастлаб атомар кесим аниқланади. Когнитив моделлар тил эгасининг олами идрок этиш жараёнида қандай когнитив механизмлар фаол иштирок этишига аниқлик киритади.

Ясама сўзларнинг когнитив таҳлили атомар кесимни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Ясама сўзларнинг ушбу ёндашув асосида таҳлили атомар кесим асосида турли ясама сўзларнинг ҳосил бўлишини назарда тутаяди. Масалан: *-er* суффиксини қўшиш билан инглиз тилида қуйидаги когнитив модел PERSON – MAKE – OBJECT ясалади *forgер* (фирибгар) – person who makes a copy of something in order to deceive [UDDW 2016: 305]. Рус тилида *-щик, -ник* от ясовчи суффикслари билан ЧЕЛОВЕК – ИМЕТЬ ДЕЛО С – ОБЪЕКТОМ когнитив модели бўйича *грузчик* (юк ортувчи ва туширувчи ишчи) – рабочий, занимающийся выгрузкой [ТСРЯ 2011: 340], *зеленик* (кўкатчи, кўкатфуруш) – торговец зеленью [ТСРЯ 2011: 545], ясама сўзлари ясалган. Ўзбек тилида *-чи* суффикси билан ИНСОН – ЯРАТАДИ – ОБЪЕКТ когнитив модели бўйича ҳам ясама сўзлар ясалади. *Бўзчи* – бўз тўқувчи косиб [ЎТИЛ I 2006: 399], *тунукачи* – томга тунука қоқувчи мутахассис [ЎТИЛ IV 2008: 192], *сандиқчи* – сандиқ, қути ясовчи [ЎТИЛ III 2007: 439].

Сўз ясалишининг когнитив жиҳатини ўрганишда тилшунослар, асосан, ментал-лисоний категорияларга эътибор қаратиб, уларни янгича методологик ёндашув асосида тадқиқ қилиш ҳамда тизимлаштириш муҳимлигини таъкидлашади. Ушбу ёндашув нафақат янги сўзнинг анъанавий тузилиши, балки янги маъноларнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ қилишдан иборат. Билиш субъекти ва билиш объектининг (инсон омили) ўзаро таъсири сўзда янги маъноларнинг пайдо бўлишига қаратилган дериватив жараёнларга олиб келади. Ушбу нуқтаи назардан сўз яшаш моделлари инсоннинг маълум категориялашган лисоний тажрибаси сифатида изоҳланиши лозим. Сўз яшаш назарияси тарихига назар ташланса, аввало, моделлар мажмуи яратилди, ундан сўнг сўзларнинг ясалишида мантиққа асосланildi. Эндиликда мазкур қоидалар инсон тафаккури билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилина бошланди.

Сўз ясалишига ономасиологик ёндашувни тадқиқ қилиш асосчиси М.Докулил ясама сўзнинг ясалишини белгиланаётган ҳодисани инсон тажриба категорияларидан бирининг таянчи сифатида талқин этган. Олимнинг фикрига кўра, ономасиологик негизни ифодаловчиси суффикс, белги ифодаловчиси эса асос ҳисобланади³⁵. Аффиксларнинг концептуал майдонини ўрганиш нафақат ясама сўзлар элементларини ўрганиш, балки уларнинг концептуал тузилишини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Ушбу жараённинг аҳамиятли жиҳати шундаки, префикснинг концептуал тузилиши ҳамда асоси ўртасидаги ўзаро таъсир масаласи алоҳида ўринга эга. Уларнинг концептуал даражадаги ўзаро таъсири концептуал таркиб ва концептларнинг интеграция механизмлар модификациясини қандай амалга оширишини кўрсатишга имкон беради. Л.В.Бабинанинг фикрига кўра, когнитив механизмларни ўрганиш асл лексеманинг “концептуал тузилишининг ривожланиш динамикасини кузатиш”³⁶ имконини беради. Бундай ясама сўзлар тизимлаштирилган билим ҳосиласи сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Инглиз тилида қуйидаги когнитив модел орқали ясалган ясама сўзларга эътибор қаратиш керак. PERSON – BE – ACTOR (one who drinks much) Noun + ed – Adjective. *Cabbaged* - drunk [DCS 2007: 78] – инглиз тилида ақлан ва жисмонан заиф инсонлар сабзавотларга қиёс қилинади. Маълумки, инсон спиртли ичимликни истеъмол қилса, ақлий қобилияти заифлашиб, ҳаракати ва нутқида чалкашлик кузатилади. Унда қон таркибидан спирт чиқиб кетмагунча, ушбу ҳолат сақланиб қолади. Инглиз тилида бундай одамларнинг карамга қиёслаш мазкур сабзавот шаклининг думалоқлиги ва инсон бошига ўхшатилиши билан боғлиқлиги уларнинг “шакл” концептуал белгиси ҳисобланади. Умуман олганда, инглиз тилида сабзавот номларининг инсонларга кўчирилиши уларнинг ҳам жонли саналиши билан боғлиқ. Инглиз тилида *crooked* (crook – лойдан ясалган

³⁵ Dokulil M. Tvoření slov v češtině: Teorie odvozování slov. – Praha, Nakl. Československé akademie věd, 1962. – С. 196.

³⁶ Бабина, Л.В. Бабина Л.В. Вторичная репрезентация концептов в языке: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Тамбов, 2003. – С. 120.

кўза) – drunk сўзи инсоннинг маст, эс-ҳуши ўзида бўлмаган ҳолатини англатади. Дастлаб АҚШда алкоголь ва шунга ўхшаш ичимликлар лойдан ясалган кўза ва шунга ўхшаш идишларда сақланган. Шунинг учун мазкур рўзғор буюмларида сақланган ичимликларни истеъмол қилган инсон кўзада сақланган маҳсулот билан озиқланган маъно кўчим ҳолида ясама сўз шаклида ифода қилинган. Англашиладики, айрим предметларнинг “вазифа” концептуал белгиси ҳамда уларнинг нима асосида маъно кўчимга учрашининг етакчи омили саналади. Таҳлил қилинаётган ясама сўзнинг яна бир кўчма маъноси шундан иборатки, у ҳам бўлса инглиз тилининг Британия вариантыда спортчилар орасида мусобақа давомида жиддий жароҳатланиш, яъни тана аъзоларининг синиши ёки лат ейиши билан ногирон бўлиб қолиш ҳолати ҳам айнан мазкур ясама сўз орқали ифода этилади, broken or injured, used particularly of sportsmen incapacitated through injury. From the standard English sense of crock as a potsherd, or from a dialect term for a decrepit animal [DCS 2007: 111]. *Gassed* – drunk [DCS 2007: 179] *газланган* маъносини англатади. Бу сўз нутқда *спиртли ичимлик истеъмол қилган киши* кўчма маъносида ишлатилади. Мазкур сўз АҚШда 1960 йилларда ўрта ёшдаги ўсмирлар томонидан қўлланила бошлаган. Бунинг асоси сифатида ис газидан заҳарланган инсонларнинг ҳуши ўзида бўлмаслигига ўхшатилиб, “ҳолат” концептуал белгиси асосида метафорик маъно кўчиши оқибатида ясама сўз ясалган. Шунинг учун ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилган инсоннинг ҳуши худди газланган кишининг ҳолатига ўхшайди. Ўзбек тили оғзаки нутқда ҳам спиртли ичимлик ичган инсонларга нисбатан “газланган” сўзининг ишлатилиши учрайди. Шунингдек, *gas* лексемасининг “empty space”, яъни *бўшлиқ жой* маъносида қўлланиши шароб ичган кишининг фикрлашида ва тафаккурида маълум муддатда бўшлиқ пайдо бўлиши билан асосланган. Қадимги инглиз тилида *gassed* – talk nonsense, lie to [https://www.etymonline.com/search?q=gassed] ясама сўзи *бемаъни ёлгон гаплар эгаси* маъносида ҳам қўлланилган. Ясама сўзнинг маст инсонни англатувчи кўчма маъноси унинг гап-сўзлари нормал ҳолатда бўлмаганлигини англатган. *Floored* – drunk [DCS 2007: 155] ясама сўзи кўчма маъносининг ясалишида *ерга йиқилиб тушмоқ* (“knock down to the floor”) маъноси етакчилик қилади. Чунки спиртли ичимликни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш натижасида инсон оёқда тик тура олмайди ва натижада юза қисми текис бўлган полда ҳеч қандай оёқ тойдирувчи жисмлар бўлмаса ҳам, йиқилиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун ясама сўз ҳам “ҳолат” концептуал белгининг метафорик тарзда маъно кўчимга учраган.

Ясама сўзларнинг таҳлили олам инсон томонидан интерпретация қилинишини тасдиқлайди ҳамда ушбу маънолар асосида инсон тажрибасидан келиб чиқиб таниш бўлган объектлар ва уларнинг таърифланишини белгилаш ётади. Сўз ясалишининг когнитив аспекти когнитив модел ва когнитив механизмлар орқали шаклланади. Маъноси

кўчимга учраган тил бирликлари иккиламчи интерпретация ҳосиласи ҳисобланади.

Компонентларида ҳам метонимия, ҳам метафорани ўзида мужассамлаган кўчма маъноли кўшма сўзлари метафтонимия нуқтаи назаридан таҳлилга тортилди. Бундай метонимиядан келиб чиққан метафора асосида ҳосил бўлган кўчма маъноли кўшма сўзларнинг ЎСИМЛИК – ҚУШ + ТАНА АЪЗОСИ, ЎСИМЛИК – ҲАЙВОН + ТАНА АЪЗОСИ, ИНСОН – ИНСОН + ТАНА АЪЗОСИ, ИНСОН – ҲАЙВОН + ТАНА АЪЗОСИ каби когнитив моделлари ҳамда метафорада мужассам бўлган метонимия орқали ҳосил бўлган лексемаларнинг ИНСОН – ТАОМ + ТАНА АЪЗОСИ, ИНСОН – АРТЕФАКТ + ТАНА АЪЗОСИ когнитив моделлари асосида уларнинг концептуал асоси кўшма сўзлар компонентларидан бири ҚИСМ-БУТУН тарзида эканлиги аниқланди.

Концептуал метонимия орқали ясалган кўчма маънога эга бўлган тил бирликлари восита майдони ва мақсад майдонига ажратилиб, асосан, ҚИСМ-БУТУН, БУТУН-ҚИСМ тарзида таҳлил қилинди. Инсон тана аъзолари сифатида ИНСОН – ТАНА когнитив модели орқали ясалган *жигар, ўпка, қулоқ, тирноқ, оёқ-қўл, кўз-қулоқ* каби мисолларнинг концептуал таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, ИНСОН – ЎСИМЛИК, ИНСОН – ШАҲАР когнитив моделлари асосида ясалган, маъноси метонимик тарзда кўчимга учраган тил бирликларининг концептуал таҳлили орқали билим структураси аниқланди.

Тадқиқотда ИНСОН – ҲАЙВОН когнитив модели бўйича концептуал метафора когнитив механизми орқали ясалган кўчма маъноли сўзларда ҳайвоннинг хатти-ҳаракатига ўхшаш бўлган ҳаракатни инсонларда кузатган ҳолда уларнинг *jackal, fox, lion, viper*, зулук, *маймун*, каби номлар билан аталиши асосланди. Инсонларнинг ташқи кўриниши ҳайвонларга қиёс қилинган ҳолда номланиши *vulture, elephant, сўқим, қўчқор*, ва бошқа ҳайвон номлари мисолида таҳлил қилинди.

Шунингдек, ИНСОН – ҚУШ когнитив модели орқали *dove, hawk, chicken, ostrich, swan, parrot, лочин, duck, жўжа, булбул, бургут* қуш номларининг концептуал метафора орқали маъноси инсонга кўчирилиши аниқланди. Концептуал метафора орқали қуйидаги когнитив моделлар орқали ясалган сўзлар ҳам таҳлилга тортилди: ИНСОН – ЎСИМЛИК *cabbage, lemon, plant, banana, бодринг*; ИНСОН – АРТЕФАКТ, *spoon, robot, sphinx, toy, biscuit, blimp, ангишвона*.

Компонентларида ҳам метонимия, ҳам метафорани ўзида мужассамлаган кўчма маъноли тил бирликлари метафтонимия нуқтаи назаридан таҳлилга тортилди. Бундай тил бирликлар компонентлари ҚИСМ-БУТУН тарзида метонимия асосида маъно кўчимига учраган бўлса, иккинчи компоненти метафора орқали кўчма маънога эгаллиги таҳлил қилинди. Натижада икки когнитив механизмнинг интеграцияси натижасида метафтонимия ҳодисаси кузатилди. Улар жумласига *dogsbodу, чумчуқкўз, қўзидумба, қўнғизмўйлов, pie-eyed, deadhead, deadleg, dumb-head, эчкисоқол, такасоқол, pencil-neck* каби тил бирликлари киради.

Кўчма маънога эга бўлган ясама сўзларнинг концептуал таҳлилини амалга оширишда атомар кесим асосида когнитив модел яратилади. Мазкур когнитив модел асосида турли аффикслар орқали ясаладиган ясама сўзларнинг когнитив механизмлари аниқланади. Кўчма маънога эга бўлган ясама сўзларнинг қуйидаги когнитив моделларининг концептуал таҳлили амалга оширилди: PERSON – HAS – FEATURE, Noun + y – Adjective *catty, fishy, foxy*. Noun + ed – Adjective *dogged*. Noun + ish – Adjective *hawkish, sheepish, sluggish, piggish*. Noun + ly – Adjective *squirrelly*. PERSON – BE – ACTOR Noun + ed – Adjective, *cabbaged, crocked, gassed, floored*. Verb + ed – Adjective *sloshed, slammed*. Noun + less – Adjective *brainless, legless*. Noun + Verb + ed – Adjective *airlocked, rat-faced*, Noun + y – Adjective *dishy, mouthy*. Verb + er – Noun *bloater, copper*, Noun 1 + er – Noun 2 *juicer, dogger*, Noun 1 + y – Noun 2, *cloggy, stumpy, earthy, winger*.


Тадқиқотнинг тўртинчи боби “**Оламнинг концептуал манзарасида иккиламчи интерпретация**” деб номланади. Ушбу бобда олам концептуал манзарасининг иккиламчи интерпретацион имкониятлари, тилда кўчма маъноларнинг ҳосил бўлишида когнитив механизмлар – концептуал метонимия, концептуал метафора ҳамда метафтонимия механизмлари, интерпретацион потенциали туб ва ясама сўзлар мисолида, концептуал интеграция назарияси бўйича қўшма сўзлар компонентларининг концептуал ва ассоциатив маъноларининг интеграцияси натижасида юзага келадиган қўшма сўзлар таҳлили амалга оширилган.

Концептуал метафора назарияси ва концептуал интеграция назарияси солиштирилган ҳолда В.Коллер улар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб ўтади. Концептуал метафора тил бирликларининг проекция жараёни икки манба майдон (*source domain*) ва мақсад майдон (*target domain*) орқали очиб берилишини, концептуал интеграция назарияси эса тўрт ва ундан ортиқ ментал майдонлардан (*Genetic space, Input 1, Input 2* ва *Blending*) ташкил топишини таъкидлайди³⁷.

Ж.Фоконьенинг фикрича, ментал майдонлар объектив воқеликни акс эттиришни эмас, балки инсон у ёки бу нарсалар тўғрисида қандай ўйлаб, қандай гапиришини кўрсатиши лозим³⁸. Англашиладики, ментал майдонлар табиатига кўра когнитив бўлиб, инсон онгидан ташқарида онтологик мақомга эга эмас. Мазкур назария умумий ментал майдон (*generic space*), ҳамкор ментал майдонлар (*Input Space 1, Input Space 2*), интеграциялашган ёки қоришиқ ментал майдон (*blending*) ва улар ўртасидаги боғланишлардан иборат. Тадқиқот давомида мазкур назариянинг *blending* қисмини метафора ва метонимиянинг ўзаро интеграциялашуви тарзида талқин қилинди.

³⁷ Koller V. *Metaphor Clusters in Business Media Discourse: A Social Cognition Approach*. PhD thesis. – Vienna: University of Vienna, 2003. – P. 34–35

³⁸ Fauconnier G., Turner M. *Mental Spaces: Aspects of Meaning Construction in Natural Language*. – Cambridge: Cambridge University Press, 1994. – 513 p.



1-расм. *Beefcake* метафтонимик коришиғининг концептуал интеграцияси

1-расм инглиз тилида икки компоненти ҳам тўлиқ кўчимга учраган *beefcake* – (*beef* – мол гўшти, *cake* – нуроғ) *attractive man with large muscles* [LDELС 2006: 106] махсус тана машқларини бажариш орқали мушаклар ва инсон қоматининг кўркама ҳолга келган эркакни англатади. Идиоматик қўшма сўзнинг икки компоненти концептуал интеграция нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда концептуал ҳамда ассоциатив маъноларнинг фаоллашган ўзаро интеграцияси метафора ва метонимия орқали амалга оширилгани аниқланди.

Аввало, умумий ментал майдонда ҳар икки концептнинг умумий характеристикасини белгиловчи концептуал ва ассоциатив маънолар аниқланди. Булар жумласига *food* ва *lovely* киритилишининг боиси икки компонент ТАОМ концептининг концептуал майдонидан ўрин олганлиги ҳамда икки таом турининг инсонлар томонидан севиб истеъмол қилинишидир. Аммо таъкидлаш керакки, айрим инсонларга бундай таом турлари мақбул эмас, таҳлилда мазкур таомларга умумийлик нуқтаи назаридан қаралмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар икки ментал майдондан ўрин олган концептуал ва ассоциатив маъноларни шакллантиришда луғатда берилган изоҳларга эмас, балки уларнинг ассоциатив ва концептуал майдонини белгилаб берувчи инглиз тилидаги ассоциатив луғатларга мурожаат қилинди. Жумладан, биринчи ҳамкор ментал майдондан ўрин олган лексемалар *beef* – strong physical makeup arm, brawn, flesh, force, heftiness, meat, might, muscle, physique, power, robustness, sinew, steam, strength, thew, vigor [ROGET'S 21st CENTURY THESAURUS in Dictionary Form 2005: 74] concept structure:

aperture, attitude, beef, build, condition, constitution, crease, even, figure, form, grade, makeup, plane, set, slope, stoop [ROGET'S 21st CENTURY THESAURUS in Dictionary Form 2005: 960]. Таъкидлаш жоизки, *beef* лексемаси *muscle* – the piece of elastic material in the body [LDELС 2006: 923] инсон танасининг бир бўлаги сифатида метонимия орқали маъно кўчимига учраган, яъни ҚИСМ – БУТУН тарзида инсон танасининг бир қисми билан бутун инсон аталмоқда. *Beef* – the meat of farm cattle [LDELС 2006: 106]

Иккинчи ментал майдонда *cake* – bar of something block, brick, loaf, lump, mass, slab [ROGET'S 21st CENTURY THESAURUS in Dictionary Form 2005: 109] concept structure, solid: band, barricade, baton, blockade, brace, cake, clot, clump, dam, fossil, glob, hunk, ice, lump, mirror, night stick, obstruction, partition, pole, prop, rod, wand, weight [ROGET'S 21st CENTURY THESAURUS in Dictionary Form 2005: 947]. Идиоматик кўшма сўзнинг иккинчи *cake* – лексемасининг ширинлиги ва ёқимлилиги асосида метафора орқали маъно кўчимига учраган, мазкур икки объектларнинг ўзаро ўхшашлиги инобатга олинган.

Биринчи ҳамкор ментал майдондаги *adorable* – 1. worthy of being loved deeply. 2. Charming or attractive [LDELС 2006: 16] мафтункорлик, жозибалилик ҳамда иккинчи ҳамкор ментал майдондаги *lovely* – very pleasant or enjoyable [LDELС 2006: 830] ёқимли, хуш ёқадиган ассоциатив маънолари интеграциялашади, аммо *lovely* сифати инглиз тилида инсонларнинг жисмоний кўринишини ифодалашда қўлланилмайди. Англашиладики, икки ҳолатда ҳам инсонга ёқимли ҳисларни тақдим этиш маъноси шаклланади. Икки лексема ўртасидаги боғлиқлик эса идиоматик кўшма сўз ясалишида интеграциянинг асосий босқичини белгилайди. Ҳар қандай эркак кишининг мушаклари кўркам ҳолда бўлавермайди, бунинг учун махсус жисмоний машқ ва катта куч сарфланиши талаб этилади, шунинг учун *physical makeup* – of or for the body [LDELС 2006: 1043] инсоннинг бундай ҳолатга келишида асосий мезон саналади. Табиийки, ҳамирдан тайёрланадиган ширинликлар ҳам *cake* – a soft food made by making a sweet mixture of flour; eggs, sugar etc. [LDELС 2006: 186] *made by making...* - жисмоний ҳаракат, куч сарфлаш орқали тайёрланади. Ҳар икки ҳаракатда ҳам умумийлик аниқланади, у ҳам бўлса икки ҳолатнинг юзага келиши инсон томонидан муайян куч сарфлаш эвазига амалга оширилиши интеграцияни белгилайди.

Интеграциянинг кейинги босқичида эса инсон жисмоний ҳаракатининг натижаси тананинг, тўғрироғи, мушакларнинг муайян шаклга келиши *figure* – the human body considered from the point of view of being attractive [LDELС 2006: 507] ҳамда кўркам қиёфа акс этишидир. Худди шундай ширинлик (пирог) хаамири тайёрлаб бўлингандан кейин, одатда, турли шаклларга эга бўлган қолиплардан бири танланади ва пиширилади, натижада эса қолип шаклидаги пирог ҳосил бўлади *form* – shape, outward appearance [LDELС 2006: 539]. Айнан икки ҳаракат натижалари концептуал интеграциянинг бош нуқтаси саналади.

Интеграциянинг навбатдаги босқичи эса жисмоний ҳаракат натижасида юзага келган эркак кишининг мушаклари ва ташқи кўриниши, кўркамлиги,

инсонларда ёқимли ҳис уйғотиши *pleasant* – (especially of a person) likeable, friendly [LDELС 2006: 1061]. Пишган пирогнинг тановвул қилгандан сўнггина унинг мазаси ҳақида фикр билдирилади *tasty* – having a pleasant noticeable taste. Инглиз тилининг Британия вариантыда *tasty* норасмий мулоқотда especially BrE (used especially by men of a women) attractive [LDELС 2006: 1422] эркаклар томонидан аёлларнинг мафтункорлигини ифода этишда қўлланилади.

Концептуал интеграциянинг сўнгги босқичида биринчи ва иккинчи ҳамкор ментал майдонлардан ўрин олган ТАОМ концептининг концептуал майдонидаги айрим концептуал ҳамда ассоциатив маъноларнинг интеграцияси натижасида ИНСОН концептининг концептуал майдонига кирувчи “жисмоний жиҳатдан махсус машқлар орқали мушаклари кўркама ҳолатга келган, инсонлар эътиборини ўзига жалб қилувчи эркак киши” маъносини англатувчи идиоматик қўшма сўзи ҳосил бўлади. *Sympathetic* – pleasant; similar to what one likes or wants [LDELС 2006: 1410]. *Beloved* – dearly loved: dear to the heart [<https://www.merriam-webster.com/dictionary/beloved>].

Юқорида таҳлил қилинган идиоматик қўшма сўзнинг кўчма маъноси метафтонимия орқали шаклланганлигини тасдиқлайди, чунки биринчи компонент *beef* – инсон танасининг бир бўлаги метонимия орқали маъно кўчимига учраб ҚИСМ-БУТУН ҳолатида инсонни англатади, иккинчи компонент *cake* – эса метафора орқали маъно кўчимига учраган. Натижада икки когнитив механизмнинг интеграцияси ҳосиласи сифатида метафтонимия ҳосил бўлган.

ХУЛОСА

1. Тилда ҳар қандай ҳосила маънонинг пайдо бўлиши инсоннинг креатив тафаккури ва билимининг тилдаги ифодаси билан белгиланади. Олам ҳақидаги вербаллашган билим ҳар қандай тилнинг маъноси кўчимга учраган лексик бирликларида ўзига хослигини намоён этади. Тилда нафақат маъноси кўчимга учраган тил бирликлари, балки ҳар қандай ҳосила маъно инсоният креатив тафаккурининг бошланиши билан боғлиқ, яъни ушбу тил бирликларини яшашда инсон борлиқ ҳақидаги захиравий билимига асосланади.

2. Тилда ҳар қандай ҳосила маъно аллақачон билим шаклига эга ва вербаллашган тил бирлиги ҳисобига амалга оширилади. Когнитив фаолият жараёнида пайдо бўлган концептлар лисоний кўринишга эга бўлиб, концептуал тизимнинг ажралмас қисмига айланади ва, ўз навбатида, унинг кейинги ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараённинг узлуксизлиги унинг тилда етарли даражада намоён бўлишини тақозо этади, тилнинг ривожланиши учун унинг аҳамиятини ва, айтиш мумкин, вақтда, моддий воситаларнинг нисбатан чекланган тўплами билан турли маъноларни етказишнинг асосий функциясини таъминлайди.

3. Ясама сўзларда кўчма маънонинг акс этиши имплицит тарзда амалга оширилганлиги боис, уларнинг концептуал асоси тилда билим репрезентацияси сифатида баҳоланади. Пропозициянинг ясама сўзларнинг когнитив аспекти аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши ясама сўзлар ясалишида атомар кесимни аниқлашга ва когнитив модел яратишга имкон беради ҳамда ушбу модел орқали кўплаб ясама сўзлар ясалиши билим структурасини намоён қилади.

4. Сўз ясалишининг когнитив асоси деганда тилдаги ҳар қандай тил бирлиги билим бирлиги концептнинг репрезентацияси сифатида талқин қилиниши тушунилади. Олам ҳақидаги билимлар асосида тилда кўчма маънога эга бўлган тил бирликларнинг ҳосил бўлиши эса концептуал метафора, концептуал метонимия ва метафтонимия каби когнитив механизмлар воситасида очиб берилиши уларнинг когнитив асосини таъминлайди. Туб сўзларнинг асосий манба майдони ва мақсад майдони сифатида базавий концепт ҳамда уларнинг концептуал майдонларини ўрганишда, ясама сўзлар ясалишининг атомар кесим характеристикасини аниқлаш орқали турли аффикслар ёрдамида ясалиш жараёнини кўриб чиқиш, кўшма сўзларни эса концептуал интеграция нуктаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

5. Кўчма маъноли кўшма сўзларнинг концептуал интеграция нуктаи назаридан тадқиқ қилиниши инсоннинг орттирган тажрибаси ва эгаллаган билиминини тилда когнитив механизмлар орқали вербал ифодага эга бўлиши концептуал таҳлил асосида шаклланган когнитив моделлар орқали аниқланади. Кўчма маъноли кўшма сўзларни компонентлари ажратилган ҳолда концептуал таҳлили жараёнида концептуал метафора ва концептуал метонимиянинг ўзаро интеграцияси кузатилади. Бу метафтонимиянинг ҳосил бўлишига олиб келади ва инсоннинг олам ҳақидаги билимларининг иккиламчи интерпретацияси ҳосиласи сифатида тилда ўз ифодасини топади.

6. Интерпретация ва онг ўртасидаги боғлиқлик эгалланган билимлар тил таркибида намоён бўлади. Бунда инсон тафаккурининг лисоний табиатида акс этадиган сўзнинг семантик тузилмаси интерпретация қилинадиган турли концептуал майдонларнинг лисоний репрезентанти ҳисобланади.

7. Интерпретация когнитив фаолият сифатида борлиқдаги объект ва ҳодисаларнинг инсон томонидан тил орқали идрок этилиши ҳамда ифода қилиниши бўлиб, бунда унинг бирламчи ва иккиламчи интерпретация турлари мавжуд. Бирламчи интерпретацияда борлиқдаги объект ва ҳодисаларнинг умумий тавсифидан келиб чиққан ҳолда тилда концептуаллаштириш ҳамда категориялаштириш тизими шакллантирилади, иккиламчи интерпретацияда эса инсон тафаккурида билим шаклида кодлашган ва тилда вербал ифодасини топган тил бирликлари иккиламчи концептуаллаштириш ва иккиламчи категориялаштириш натижасида юзага келади.

8. Бир маълумотнинг турли тил бирликлари орқали ифода этилиши инсон концептуал тизимнинг фарқли жиҳатини кўрсатади ва бу ҳолат тилнинг антропоцентрик моҳиятини белгилайди. Тил антропоцентрик

табиатининг замонавий тавсифи тилда амалий, назарий, маданий билим ҳамда тажрибанинг муайян вербаллашувида сингдирилган, ўзлаштирилган, англашилган тарзда намоён бўлади.

9. Эмпирик материаллар асосида маъноси кўчимга учраган тил бирликларининг муайян когнитив моделлар асосида шаклланиши тафаккур натижаси бўлиб, маънонинг концептуал асоси ҳақидаги максимал даражада умумлаштирилган, схемалаштирилган тасаввур сифатида интерпретация қилиниши мумкин. Бунда маънодаги энг муҳим, асосий жиҳатлар ажратиб олинади. Кўчма маънога эга бўлган тил бирликлари ясалишида ҳам воқеликнинг инсон онгида когнитив механизмлар асосида қайта идрок этилиши кузатилади. Бундай тил бирликларини иккиламчи интерпретация нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тилда инсон омилининг турли-туманлигини илмий асосланишини янада мустаҳкамлайди.

10. Мавжуд илмий қарашлар тизими назарий ва методологик база сифатида инсон тилида оламни акс эттирмайди, балки тил воситасида уни ўз онгида кодлаштиради, тасдиқлайди деган қараш бўлиб, ҳар бир инсон ўзининг лисоний фаолиятида билиш жараёнларини ўзича интерпретация қилади. Бунда концептуал деривация когнитив механизмлар орқали шаклланган ҳосила мазмун сифатида инсоннинг оламни идрок этиш жараёнида эгаллаган олам ҳақидаги захиравий билимининг иккиламчи интерпретация қилиши асосида юзага келади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ

**АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ВТОРИЧНОЙ
ИНТЕРПРЕТАЦИИ ЗНАНИЙ О МИРЕ В ЯЗЫКЕ**

10.00.11 – Теория языка. Прикладная и компьютерная лингвистика

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.DSc/Fil368.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzswlu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyonet.uz.)

Научный консультант: —

Официальные оппоненты:

Рахимов Ганишер Худайкулович
доктор филологических наук, профессор

Худайбергана Дурдона Сидикова
доктор филологических наук, профессор

Мирсанов Гайбулло Кулмуратович
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университе

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Разового Научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована № _____). (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92.)

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.

(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года).

Г.Х. Бакиева

Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

Х.Б. Самигова

Ученый секретарь Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., доцент

Ж.А. Якубов

Председатель Научного семинара при Разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом языкознании при изучении языка как системы основное внимание уделяется вопросам определения сходств и различий родственных и неродственных языков в структурно-функциональном и сравнительно-типологическом аспектах. Важное значение приобретают исследования в рамках когнитивной лингвистики, которые посвящены овладению человеком знаний посредством языковых и неязыковых факторов, сохранению в сознании полученных знаний в виде информации (подтвержденной или неподтвержденной) или знаний (подтвержденных), интерпретации данных знаний в каждом речевом акте, с учетом таких экстралингвистических факторов как возникновение антропоцентрической парадигмы, изучающей вопросы человеческого фактора в языке, восприятие человеком мира, облачение знаний о мире в «языковой наряд», ассоциативное сознание, национально-культурные воззрения носителей языка.

Антропоцентрическая лингвистика, ставшая в настоящее время в мире одним из ведущих научных направлений, выдвигает идеи о формировании концептуальной системы каждого индивида на основе сознания, представлений, мировоззрения, национально-культурных взглядов в человеческом восприятии мира. При этом актуальность приобретают научные изыскания, учитывающие специфику словообразовательных возможностей каждого народа в результате того, что знания, будучи продуктом восприятия, могут быть индивидуальными и коллективными, а предметы и явления действительности могут восприниматься различными народами по-разному, знания о мире отражаются в языке, в частности, при образовании языковых единиц с переносным значением во вторичной интерпретации.

В Республике актуальной проблемой становится изучение соотношения языка и мышления в антропоцентрическом аспекте. «Является естественным, что в нынешний период глобализации каждый народ, каждое независимое государство придает приоритетное значение обеспечению своих национальных интересов, прежде всего, сохранению и развитию своей культуры, исконных ценностей, родного языка»¹. Действительно, полученные знания интерпретируются с помощью языковых средств по-разному в зависимости от таких факторов как национальное сознание, мышление, национально-культурные взгляды носителей языка. При этом изучение интерпретационных особенностей языковых единиц позволяет сделать выводы о том, как концептуальная картина мира формируется и находит своё вербальное отражение в сознании носителей определённого языка. Когнитивный анализ языка даёт возможность определить типологические универсалии и уникалии восприятия картины мира разными

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка». Источник: <https://lex.uz/docs/4561730>

народами. При изучении национально-культурных особенностей языковых единиц возникла необходимость в реализации исследований, направленных на раскрытие роли языковых единиц с переносным значением в качестве результата вторичной интерпретации.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», от 21 октября 2019 года №УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране», от 29 октября 2020 года №УП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», а также в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

В ведущих научно-исследовательских и высших образовательных учреждениях мира, в частности, в International Cognitive Linguistics Association (АҚШ), The UK Cognitive Linguistics Association (Великобритания), Российской ассоциации лингвистов-когнитологов (Россия), Asociaciyn Espacola de Lingъnstica Cognitiva (Испания), Association Franzaise de Linguistique Cognitive (Франция), Suomen kognitiivisen kielentutkimuksen yhdistys FiCLA (Финляндия), Polskie Towarzystwo Jkzykoznaвstwa Kognitywnego (Польша), Barkeley University of California (АҚШ), University of Manchester (Великобритания), Weihang University, China (Китай) и Узбекском государственном университете мировых языков (Узбекистан) ведется ряд научных изысканий по когнитивной лингвистике, в частности, исследование проблем человеческого фактора в языке, являющегося антропоцентрической сущностью языка.

На мировом уровне научно обоснован тот факт, что с когнитивной точки зрения язык является неотъемлемой частью человеческого мышления. Кроме того, установлено, что восприятие мира разными народами характеризуется культурными, психологическими и коммуникативными особенностями (International Cognitive Linguistics Association, США); в результате масштабных аналитических исследований было доказано, что концептуальная метафора, является не языковой единицей, а единицей

² <http://users.ics.aalto.fi/tho/ficla/>; <http://www.cognitivelinguistics.org/>; <http://www.uk-cla.org.uk/>; <http://ralk.info/>; <http://www.aelco.es/>; <http://www.aflico.fr/>; <http://ptjk.pl/>.

мышления (Barkeley University of California, США); проанализированы семантический, прагматический, психолингвистический и когнитивный аспекты слов, установлено, что метонимия играет важную роль в словообразовании в качестве когнитивного механизма (University of Manchester, Великобритания); научно обосновано, что в восприятии мира человек выполняет функцию концептуализатора и категоризатора, сформированы задачи, виды и когнитивные модели языковой интерпретации. Раскрыта антропоцентрическая сущность языка и познания, а также научно обоснована интерпретационная функции языка (Российская ассоциация лингвистов-когнитологов, Институт языкознания Российской академии наук, Россия); разработаны методы когнитивно-стилистического анализа художественного текста, и методика концептуального анализа с помощью когнитивного моделирования лексем (Узбекский государственный университет мировых языков, Узбекистан).

В настоящее время в рамках развития мировой лингвистики ведутся исследования взаимодействия языка и мышления по следующим основным направлениям: когнитивная семантика, когнитивная стилистика, корпусная лингвистика, концептуальная основа словообразования, когнитивные, коммуникативные и интерпретационные функции языка, когнитивная лексикология при исследовании когнитивных аспектов языковых единиц с переносным значением. Когнитивные методы характеризуются межпредметным подходом к изучению отношений между человеческим фактором в языке и окружающей его действительностью, исследованием их взаимосвязи.

